

# Республикамизда Муаммоли Кредитларни Ундиришнинг Ҳозирги Ҳолати Ва Уни Бартараф Этишнинг Халқаро Амалиёти

*Локаев Фахриддин Зайниддинович<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мақолада банкларнинг муддати ўтган қарз билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинган. Муаммоли кредитларнинг салмоғини камайтириш, уларни вужудга келиш омилларини бартараф этиш ва кредит портфелини соғломлаштиришдаги энг самарали усуллар очиб берилган. Шунингдек, кредит портфелидаги мавжуд муаммоли кредитлар таҳлил қилинган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** банк, банк фаолияти, кредит, кредитлаш, қарз олувчи, муддати ўтган қарз, муаммоли кредит, кредит мониторинги, кредит қайтмаслик хавфи.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг тез сураатларда ривожланаётган тизимлардан биридир. Бироқ, бу тез ўсиш активлар сифати (шу жумладан кредитлар) ҳамда банкларнинг кредит рискларини бошқариш қобилиятини хатарга қўймоқда ва шу ўринда тижорат банклари учун муаммоли кредитлар билан ишлаш усулларини такомиллаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “муаммоли кредитларни қайтариш банкларнинг имкониятларини янада кенгайтиришини, уларни ундириш бўйича банклар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарурлиги лозим”. Айни пайтда мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчи олимлар томонидан «муаммоли кредит» тушунчаси аввалгига нисбатан анча кўпроқ баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежизга эмас, чунки бугунги кунда республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши, уни камайтириш чоралари кўрилишига қарамасдан анчагина юқори фоизни ташкил этмоқда. Бугунги кунда кўпгина давлатлар банк тизимида умидсиз қарзларнинг кўпайиши муаммосига дуч келаётганлиги туфайли банкларнинг муаммоли кредитлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари долзарблиги ҳозиргача муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун кредиторлар билан бир қаторда мижозлар томонидан кредитни қайтариш бўйича ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада тижорат банкларидаги мавжуд муаммоли кредитларни ундириш амалиётини амалга оширишнинг жорий ҳолати таҳлил қилиниб, банк кредит портфелининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Муаммоли кредитларнинг юзага келиши кредит рискининг таъсири билан боғлиқ бўлиб, натижада банк қарз олувчининг кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олмаслиги ва банк бундай қарз олувчиларга кредит бериш билан боғлиқ зарарларни келтириб чиқариши мумкинлигидан хавотирда бўлади. Шунинг учун банк амалиётида муаммоли кредитлар кўпинча паст сифатли кредитлар деб юритилади. Муаммоли кредитларнинг бу талқини муаммоларни юзага келиши натижасидаги йўқотишларга қаратилади. Бироқ, ҳар бир муаммоли кредит ҳам йўқотишлар билан якун

<sup>1</sup> ISFT институти “Фундаментал иқтисодий фанлар” кафедраси ўқитувчиси



топмайди. Банкнинг вазифаси эса эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш, ёки минималлаштиришдан иборатдир. Муаммоли кредитларни бошқариш соҳасидаги хорижий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, самарадорлик бўйича энг маъқул стратегия — қийинчиликларни бошдан кечираётган қарз олувчининг молиявий тикланишига қаратилган муаммоли кредитни бошқариш стратегияси бўлиб, у мижоз билан стратегик шериклик доирасида амалга оширилади. Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк кредитлаш амалиётида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалар ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади. Банкларда бериладиган ҳар бир кредит бошқаларига ўхшамаган алоҳида хусусиятларга эгадир. Шунинг учун ҳам муаммоли кредитларни қайтарилишини таъминлаш борасида ягона қонун ва қоидалар ишлаб чиқилмаган. Муаммоли кредитларни баргараф этиш бўйича банклар томонидан асосан қуйидаги ишлар амалга оширилади

- кредит муддатини узайтириш (пролонгация) чораларини кўриш;
- қўшимча равишда таъминот талаб қилиш;
- гаров сифатида қўйилган мулк ёки учинчи шахснинг кафиллиги бўйича кредитни қайтариш чораларини кўриш;
- кредитини бошқа банкка сотиш;
- корхона раҳбариятига мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича консалтинг хизматларини таклиф этиш;
- корхонанинг бўш турган активлари, мол-мулкларини сотиш, дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган тақдирда уларни ундириш эвазига муаммони ҳал этиш ва бошқа тадбирлар.

<b>Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2024 йил 1 июнь ҳолатига маълумот<sup>2</sup></b>				
№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	<i>млрд. сўм</i> Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
<b>Жами</b>		<b>490 259</b>	<b>20 936</b>	<b>4,3%</b>
<b>Давлат улуши мавжуд банклар</b>		<b>343 469</b>	<b>16 428</b>	<b>4,8%</b>
1	Ўзмиллийбанк	100 684	3 680	3,7%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	60 085	2 611	4,3%
3	Агробанк	58 574	2 055	3,5%
4	Асака банк	37 876	1 790	4,7%
5	Халқ банки	26 871	1 644	6,1%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	21 100	2 844	13,5%
7	Микрокредитбанк	15 275	1 023	6,7%
8	Турон банк	12 167	310	2,5%
9	Алоқа банк	10 710	468	4,4%
10	Пойтахт банк	128	2	1,9%
<b>Бошқа банклар</b>		<b>146 790</b>	<b>4 508</b>	<b>3,1%</b>
11	Ипотека банк	35 914	2 364	6,6%
12	Капитал банк	28 971	779	2,7%

<sup>2</sup> <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1746707/>



13	Ҳамкор банк	17 690	220	1,2%
14	Ипак йўли банк	13 030	149	1,1%
15	Ориент Финанс банк	8 758	33	0,4%
16	Инвест Финанс банк	6 481	110	1,7%
17	Траст банк	5 594	91	1,6%
18	Давр банк	5 442	44	0,8%
19	Тибиси банк	4 977	117	2,3%
20	Анор банк	4 606	115	2,5%
21	Азия Альянс банк	3 760	82	2,2%
22	Тенге банк	3 738	135	3,6%
23	ЎзКДБ банк	2 772	0	0,0%
24	Зираат банк	1 959	45	2,3%
25	Универсал банк	1 363	18	1,3%
26	Гарант банк	882	133	15,1%
27	Мадад инвест банк	288	69	24,0%
28	Ҳаёт банк	207	0	0,0%
29	АВО банк	120	0	0,0%
30	Узум банк	85	0	0,0%
31	Янги банк	68	0	0,0%
32	Апекс банк	39	0	0,0%
33	Октобанк	32	0	0,0%
34	Эрон Содерот банк	16	3	18,3%
35	Смарт банк	0	0	0,0%

Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистондаги тижорат банкларида муаммоли кредитлар (NPL) миқдори 2,4 трлн сўмга камайиб, 20,9 трлн сўмгача пастлади. Қайд этиш жоизки, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 4,3 % гача пастлаган бўлса (апрел ойида – 4,8%), бу кўрсаткич давлат банкларида 4,8 %, хусусий банкларда 3,1 % ни ташкил этди.

Шунингдек, май ойи давомида Ипотека банк (-874 млрд сўм), Миллий банк (-539 млрд) ва Ўзсаноатқурилишбанк (-371 млрд) NPL миқдорини қолган банкларга нисбатан кўпроқ тушира олди.

Айни пайтда энг кўп NPLга эга банклар 3,6 трлн сўм билан Миллий банк, БРБ 2,8 трлн сўм, Ўзсаноатқурилишбанк 2,6 трлн сўм ва Ипотека банк 2,3 трлн сўмлик кўрсаткичларда турибди. Ипотека банк бу ойда муаммоли кредитларга эга банклар рейтингда иккинчи ўриндан тўртинчи ўринга тушишга эришди.

Айрим мамлакатларда ҳукуматлар томонидан банкларнинг “ёмон” активлари билан мақсадли ишлаш учун махсус корпорациялар тузилган. Халқаро амалиётда муаммоли активларни бошқаришда иккита ёндашув қўлланилади: марказлашган ва марказлашмаган. Биринчи ёндашув давлат томонидан бутун банк тизимининг муаммоли активларини сотиб олиш ва бошқариш бўйича махсус корпорация тузилишини кўзда тутди. Марказлашмаган усулнинг моҳияти эса, банкнинг таркибида 167 ишламаётган активларни бошқариш бўйича тегишли тузилмани ташкил этишдан иборат. Кредитлардан кўриладиган зарарларни коплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг амалдаги даражасига баҳо бериш учун эса қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- банк томонидан берилган кредитларнинг тўғри таснифланганлигига;
- захира ажратмаларини таснифлаш асосида кредитларнинг тоифаларига мутаносиб равишда ташкил этилганлигига;
- фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар бўйича ҳисобланган ва муддати ўтган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ, тижорат банкининг балансидан чиқарилганлигига;



Хорижда кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орасида мақсадли молиялаш ва имтиёзли кредитлаш алоҳида ўрин тутати. Ҳар йили бунга тахминан 600 млрд. лира сарфланади. Имтиёзли кредитлаш каби ёрдам турида харажатларнинг 40 фоизигача давлат томонидан қопланиши мумкин. Янги корхоналарни ташкил қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар 15 йилга, фаолият юритаётган корхоналарни замонавийлаштириш ёки кенгайтириш учун 10 йил муддатга берилади. Алоҳида имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорларга берилади, уларга ноишлаб чиқариш харажатлари учун икки йил мобайнида алоҳида ёрдам кўрсатилади. Имтиёзли кредитлаш ташкилотларига имтиёзли солиқ тизими жорий қилинган. Кредит портфелининг сифатини баҳолашда ягона ёндашувга эришиш мақсадида келтирилган рейтингга қўшимча равишда кредит портфелининг ишончилигини аниқлашнинг балли тизимидан фойдаланиш мумкин.

**Хулоса.** Тижорат банклари томонидан берилган кредитларни муаммоли кредитларга айланмаслигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳулоса ва таклифларни келтириб ўтамиз: Кредит учун келиб тушган ариза бўйича атрофлича ёндашув, яъни даслабки мониторингни тўғри ва мукамал амалга ошириш.

Бу ерда биринчи навбатда мижознинг характериға, унинг молиявий ахволиға, бизнес хамкорлари ўртасидаги мавкеиға хамда ушбу соҳадаги тажрибасиға эътиборни қаратиш;

Кредит аризаси куриб чиқилаётган даврда унинг банкка тақдим этаётган хужжатлар тўпламининг тўлиқчилигини таъминлаш, уларнинг тўғрилигини текшириш талаб этилади.

Кредит бўлими ходими томонидан унинг молиявий ахволи чуқур таҳлил этилиши ва ҳолисона баҳо берилиши керак;

Кредит ажратилган даврдан бошлаб мижознинг бизнес-режа бўйича амалга ошираётган ишларини, ҳисобракамидаги маблағлар айланмасини доимий равишда назорат қилиб бориш, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

Кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш ва эксплуатация шароитини доимий равишда назорат қилиб бориш;

Кредит таъминоти сифатида учинчи шахснинг кафиллик шартномаси тақдим этилган бўлса, кафилнинг молиявий ҳисоботларини чоракда бир маротаба таҳлил қилиб унинг тўлов қобилиятини ўрганиб бориш керак; Юқоридаги жараёнларнинг барчасини амалга ошириш учун кредит бўлими ходимларидан қатъиятлилиқ хамда маъсулиятни талаб этади. Барча амаллар ўз муддатида тўлиқ бажарилган тақдирда кредитларнинг “муаммоли кредитлар”га айланишини олдини олган бўламиз. Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги. Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдикаримова Д.Р. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2016. – 168 б.
2. Платонова Ю.Ю., Зайченко С.Е. (2011). Инструменты управления портфелем проблемных кредитов в современных условиях. Финансы и кредит, (4 (436)), 29.
3. Славянский А.В. (2009) “Управление проблемной задолженностью банка”. Аудит и финансовый анализ. № 1. С. 303-308.
4. Юсупова О.А. (2016). Организация администрирования проблемной задолженности в кредитном портфеле коммерческого банка. Финансовая аналитика: проблемы и решения, (10 (292)), 54-66.
5. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1746707/>

